**Ушбу сонда:**

2 ФАОЛИЯТ ҚОНИҚАРЛИ, АММО...

3 ХУСУСИЙ АЖРИМ

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ

4 АЛИМАРДОН БОБОНИНГ ВАСИЯТИ


*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 1 (456)
2006 йил
10 январ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда


**MEZON:**

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.**

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.**

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қуйидагиларни ўз ичига олади:**

**шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш;**

**жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш.**

**Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда юритади.**

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритишга доир ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тааллуқли маълумотлар Халқ банкининг ягона маълумотлар электрон базасида шакллантирилади ва сақланади.**

**“ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 7-МОДДА.**

# ОЛИЖАНОБЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

**Ўтаётган ҳар бир йилимиз мамлакатимиз истиқболини ва истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида жадал амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан тобора халқимиз эътиборини қозонмоқда. Кўҳна тарихга назар ташласак, исбот талаб этмайдиган бир ҳақиқатнинг гувоҳи бўламиз: инсон Мустақил, Озод, хоҳиш-иродаси ўз қўлида бўлсагина, у ўз тақдирини ўзи белгилаб, авлодлар учун муносиб келажак барпо этишга имконият топа олади.**



Ўз она-Ватанимизни озод кўриш, эркин меҳнат кучоғида тер тўкиш — барчамиз учун чинакам бахтдир. Аксинча, бировларга қарамлик, маслак ва мақсадларсиз кечирилган ҳаёт охироқибат хаёл янглиғ изсиз ва сассиз йўқолиб кетаверади.

Куни кеча Президентимиз Ислом Каримовнинг халқимизга йўллаган Янги йил табригини ватандошларимиз нафақат қутлов, шу билан бирга ўзининг кенг қамровлилиги билан ҳар бир юртдошимизни янада теранроқ фикрлашга, мулоҳаза юритишга, ҳаётга янгича назар билан қарашга ундайдиган даъваткор чақириқ, деб эътироф этишмоқда. Жамоат жойларида, давраларда қизғин баҳс-мунозаралар юритишмоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

**“Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик ва сахийлик, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди”**, — Янги йил табригидаги ушбу сўзлар ҳар биримизни дунёга, инсон тақдирига, теварак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга уйғоқ қалб билан боқишга ундайди.

Дарҳақиқат, эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат — бу сўзлар замирида башарият истиқболи, инсон ҳаётининг мазмуни ва моҳияти, бугуни ва эртанги кунига ишонч туйғуси мужассам, десак, хато бўлмайди. Чунки инсоннинг бахт-саодати, орзу-интилишлари ана шу сўзлар тимсолида ўз ифодасини топади. Миллатимизнинг табиатидаги бундай гўзал фазилатлар минг йиллар давомида шаклланиб, маънавий мерос сифатида авлод ва аждодларимиздан ўтиб, бугун замини мустаҳкам ахлоқий меъёрга айланган.

Давлатимиз раҳбарининг доно ўгитлари, даъваткор саъй-ҳаракатлари туфайли юртимизда, айниқса, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда улкан маънавий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада адабий-бадиий, тарихий-маънавий меросимиз ва замон руҳидаги ахлоқий таълимотларнинг ўрни беқиёс.

Башарият тамаддунига улкан ҳисса қўшган бобокалонларимиз Имом Термизий, Исмоил ал-Бухорий, Абу Мансур ал-Мотурудий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб улуғ аждодларимизнинг асарларида, шариат аҳкомларида ёшларни, умуман инсонни, — мамлакатимиз раҳбарининг Янги йил табригида таъкидланганидек, — яхшилик ва сахийликка, олижаноблик ва меҳр-оқибатга чорлайдиган фикр-мулоҳазалар бисёр.

Тарихий-ахлоқий қадриятларимизнинг миллий урф-одатларимизга уйғунлиги асрлар давомида халқимизнинг маънавий тарбиясига ўз таъсирини кўрсатиб келган. Минг йиллик бой маънавий меросимизда инсониятга яхши ахлоқий фазилатларни сингдириш учун нопок, иймон-эътиқодга зид ҳодисаларга қарши курашиш лозимлиги ҳам кўзда тутилган.

Дунё азалдан қарама-қаршиликлар кураши асосига қурилган. Бизнинг кунларимизда тинч ҳаётимизга таҳдид солаётган бало-қазоларнинг энг мудҳиш кўриниши терроризм ва диний экстремизмдир. Бундай даҳшатли кучга бас келмоқ, қарши курашмоқ барчамизнинг, жумладан, метиндек иродали ва маънавий юксак ёшларимизнинг вазифасидир.

Бугунги ёшларимиз қалбидаги юксак интилишлар, фидоийлик, маънавий мусаффо туйғулар ҳар биримизни қувонтиради, албатта. Ёш авлод тарбиясига эътибор барча замонларда ва халқларда ҳамиша долзарб маъно касб этган. Шу маънода у ҳар биримиздан алоҳида масъулият, ҳушёрлик талаб қилади. Демак, бугун ҳар биримиз ёшларга ўзимизнинг соғлом ақл-идрокимиз, тафаккуримиз, юриш-туришимиз, муомала маданиятимиз билан ҳам доимо ўрнак кўрсатишимиз лозим.

Қувонарли жиҳати шундаки, юртимизда маънавий мусаффолик, меҳр-оқибат ва олижаноблик туйғуларини янада мустаҳкамлаш масаласи мустақилликнинг дастлабки йилларириданоқ ижтимоий тараққиётимизнинг жуда кўп йўналишларига боғлиқ ва уйғун ҳолда кечаётир. Зеро, бу — келажакда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги олий мақсад ва интилишларимизнинг рўёбга чиқишида муҳим омиллардан биридир.

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга энг самимий қутлов ва истакларим ила узоқ умр, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар мамлакатингиз халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Қодир Аллоҳдан бизнинг барча эзгу саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлаши, мусулмон халқларига тинчлик, тотувлик ва бағрикенглик ато этишини сўраб қоламан.

Чуқур эҳтиром ила,

**Сапармурот НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Улуғ байрам — Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақият, Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбайжон Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Президент Жаноби Олийлари,

Сизни Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан Индонезия ҳукумати ва халқи номидан муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Аллоҳ таоло мусулмон умматининг дўстона муносабатлари ва дунёдаги барча мусулмонларнинг бирдамлигини мустаҳкамласин.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, Сизга бўлган чексиз ҳурмат, сиҳат-саломатлик ҳамда бахт-саодат тилакларини изҳор этишга рухсат бергайсиз.

**Сусило Бамбанг ЮДХОЁНО,**
**Индонезия Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Кириб келаётган Қурбон ҳайити муносабати билан Афғонистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига энг самимий табрикларни йўллашдан мамнунман.

Ушбу муборак айёмнинг баракотлари нури остида Яратгандан барча мусулмонларга тинчлик, дўстлик ва тараққиёт йўлида улкан муваффақиятлар ато этишини сўрайман.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, муваффақият ҳамда биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилаган ҳолда ўзимнинг чуқур эҳтиромларимни яна бир бор изҳор этаман.

**Ҳомед КАРЗАЙ,**
**Афғонистон Ислом Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Фаластин халқи, раҳбарияти ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларни йўллашдан мамнунман.

Ушбу айёмда қодир Аллоҳдан Сизнинг мамлакатингиз ва халқингиз ҳамда мусулмон умматига хайр-баракот ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сизга яна бир бор сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ тилаган ҳолда ўз эзгу истакларимни изҳор этаман.

**Маҳмуд АББОС,**
**Фаластин Миллий маъмурияти раиси,**
**Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ислом аҳли муборак Қурбон ҳайитини нишонлаётган ушбу онларда Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига фаровонлик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

Ҳайитингиз муборак бўлсин,

**Али Абдулло СОЛИҲ,**
**Яман Республикаси Президенти**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Сизни улуғ байрам — Қурбон ҳайити муносабати билан чин қалбимдан табриклайман. Ушбу байрам бутун дунёда кенг нишонланиб, миллионлаб кишилар қалбида умид, меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотади ҳамда олий маънавий мақсадлар сари интилишга чорлайди.

Бу кунларда меҳрибонлик, саховат, қариндош ва яқинларга ҳурмат-эътибор, эҳтиёжмандларга мурувват кўрсатиш, аждодлар руҳига эҳтиром каби халқларимизнинг тарихий анъаналари янада ёрқин намоён бўлади.

Ислом динининг азалий маънавий бойлиги бугунги кунда ҳам давлатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва бирдамлик ҳамда кишилар ўртасидаги ўзаро ҳамфикрликка хизмат қилади.

Муҳтарам Президент, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ҳамда ижтимоий тараққиёт тилайман.

Эҳтиром ила,

**Муртазо РАҲИМОВ,**
**Бошқирдистон Республикаси Президенти.**

**Faoliyat**

# АДОЛАТ ВА ХОЛИСЛИК МЕЗОНИ

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўтган йил бошида Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишда фермерлик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг самарали усули эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу ҳаракатга кенг йўл очиб бериш, фермерларни мулк эгасига айлантириш, улар масъулиятини ошириш, ерларни узоқ муддатга ижарага бериш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш орқали мақсадга эришиш мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтганди.***

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда бу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш заруратини ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир. Чунки мамлакатимиз аграр тизимида фермер хўжаликларининг ширкат хўжаликларига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришда юқори рентабеллиги, фаолияти барқарор ривожланаётганлиги кўзга яққол ташланмоқда. Буни жамиятимизда амалга оширилаётган эркинлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқ ислоҳотлар самараси, дейиш мумкин.

Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги **“2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорига асосан вилоятимизда ўн тўртта истиқболсиз ширкат хўжаликлари тугатилмоқда. Тугатилаётган ширкатлар ўрнида хусусий мулкчиликка асосланган 987 та фермер хўжаликлари ташкил этилаётир. Уларнинг 406 тасини пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш кўзда тутилган. Вилоятда ҳозирга қадар тугатилаётган ширкат хўжаликлари ҳудудларида қайта ташкил этиш комиссиялари томонидан 372 та лойиҳа юзасидан танлов ғолиблари аниқланди. 34 та лойиҳа бўйича эса танловлар ўтказилиш арафасида турибди.

Шуни айиш керакки, вилоят адлия бошқармаси томонидан қайта ташкил этиш комиссиялари томонидан танловларга тайёргарлик кўриш, аризалар ва тегишли ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини Давлатимиз раҳбарининг **“2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори, Бош вазир ҳузурида ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2005 йил 16 ноябрда ўтказилган йиғилиш баёни, Адлия вазирлигида 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан рўйхатга олинган **“Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”**ги Низом талаблари қай даражада бажарилаётгани ўрганилди. Бу ўрганиш чоғида қайта ташкил этиш комиссиялари томонидан бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Хатирчи туманидаги тугатилаётган А. Пўлатов номидаги ширкат хўжалигида қайта ташкил этиш комиссияси 47 та лойиҳа бўйича танлов ўтказишни режалаштирган. Аммо **“Фермер хўжалиги тўғрисида”**ги қонуннинг 5-моддасида **“Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектарни ташкил этади”**, деб белгилаб қўйилган. Қайта ташкил этиш комиссияси томонидан қонуннинг ушбу талаби бузилган. Нега деганда, 146-лойиҳа 2 гектар, 341-лойиҳада 3 гектар, 251-лойиҳада 4,3 гектар ер майдонида пахтачилик ва ғаллачилик ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этиш мўлжалланган.

Бундан ташқари мазкур ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича “Хатирчи ҳаёти” туман газетасининг 2005 йил 5 ноябр сонида эълон қилинган. Бироқ бу эълон Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги қарори талабларига мос эмас. Аниқроқ айтганда, эълонда ҳар бир участкага тегишли мол-мулк улуши ва кредиторлик қарзи кўрсатилмаган. Шунингдек, танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати ва уларга қўйиладиган талаблар, танловга қўйиладиган ер участкалари майдонлари ҳамда уларга тегишли бошқа таснифлар тўлиқ берилмаган.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**Qonun va ijro**

# СУД НАЗОРАТИ САМАРАСИ

**Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотлар, хусусан, иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тармоқ кўлами тобора ўсаётгани кутилган натижаларни бермоқда. Яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топаётир.**

Бу жараёнда уларнинг бозор муносабатларига хос тамойиллар талабларига риоя этаётгани муҳим омил бўлмоқда. Зеро, фаолиятни тўғри танлаш, қонунларга тўлиқ риоя этиш ва бозор талаби асосида иш юритиш уларнинг молиявий жиҳатдан мустаҳкамланиб боришини таъминлайди. Бу тамойилларнинг бирортасида хатоликка йўл қўйилса, инқирозга юз тутиш мумкин. Таассуфки, хўжалик юритувчи субъектлар орасида бундай ҳолга тушаётганлар ҳам йўқ эмас.

2003 йил янги таҳрирда қабул қилинган **«Банкротлик тўғрисида»**ги қонун бундай корхоналарни инқироздан сақлаб қолиш ва соғломлаштиришда муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

— Банкротлик институтини қўллаш амалиёти мазкур қонун талаблари асосида йўлга қўйиляпти, - дейди Тошкент вилояти хўжалик суди раиси ўринбосари Мирзараҳмат Ниёзматов.

- Асосий эътибор банкротлик ҳолатига тушган корхоналар мол-мулки талон-торож қилинишининг олдини олиш, кредиторлар талабларини тўлиқ қондириш борасида назоратни йўлга қўйишга қаратиляпти.

Бундай масъулиятли вазифани адо этишда иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур тушунадиган, қолаверса, корхона фаолият йўналишини яхши биладиган суд бошқарувчиларининг роли катта бўляпти. Ўз навбатида бу жараён ҳам суд назоратига олинган.

Ҳуқуқий таъсир чораларининг қатъий ва қонун талаби асосида қўлланилишини таъминлаш суд бошқарувчисининг асосий вазифасидир.

Улар зиммасидаги бу масъулиятни тўлиқ адо этиш, қарздорнинг ҳам, кредиторларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини тенг, муҳими, ҳалол ҳимоя қилиши талаб этилади.

Ўтган давр мобайнида юздан зиёд тадбиркорлик субъектида айни шундай тамойиллар қўлланилиб, зарур суд назорати ишлари олиб борилди. Айни жараёнда зиммасидаги масъулиятни лозим даражада бажармаётган, қарздорга ёки кредиторларга зарар етказилишига йўл қўйган бошқарувчилар белгиланган тартибда ўз вазифасидан четлаштириляпти.

**(Давоми иккинчи бетда)**

Muloqot

# ТИЖОРАТ ВАКИЛИ КИМ?

***Яқинда бир танишим қайсидир бир фирмада тижорат вакили сифатида фаолият юритаётганини айтиб қолди. Тўғриси, мен бу ҳақда умуман тасаввурга эга эмасман. Шу маънода айтинг-чи, кимлар тижорат вакили бўлиши мумкин? Улар қандай вазифаларни бажаради?***

**Холбобо ТОШЕВ,**
**Сариосиё тумани**

— Сизнинг саволингизга жавоб беришдан аввал вакиллик тушунчаси тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Шуни айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 129-моддаси, 1-қисмида вакиллик тушунчасига "Ишончнома, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади", деб изоҳ берилган.

Мазкур кодекснинг 133-моддасида эса тижорат вакиллиги ҳақида шундай дейилган: "Тадбиркорлар шартнома тузаётганида улар номидан доимо ва мустақил суратда вакиллик қилувчи шахс (тижорат вакили)нинг ваколатлари кўрсатилган ёзма шартнома асосида, бундай ваколатлар кўрсатилмаган тақдирда эса, ишончнома асосида ҳам иш олиб боради.

Тижорат вакили ўзининг иштирокида тузилган шартномадаги турли тарафларнинг манфаатларини фақат бу тарафларнинг розилиги билан ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллардагина айни бир вақтда ифодалаши мумкин.

Агар тарафлар билан тузилган битимда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тижорат вакили шартлашилган ҳақни ва топшириқни бажариш вақтида қилган чиқимларини тенг улушларда тўлашни шартномадаги тарафлардан талаб қилишга ҳақли.

Тижорат вакили ўзига берилган топшириқни бажариб бўлгандан сўнг ҳам савдо битимлари тўғрисида ўзига маълум бўлган маълумотларни сир сақлаши шарт.

Тижорат вакилининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шундан иборат.

# ИСМНИ ЎЗГАРТИРИШ МУМКИН

***Укам ҳар доим исми ўзига ёқмаслигини, имкон топилса, уни алмаштиришни айтиб юради. У исмини ўзгартириши мумкинми? Бунинг қонуний йўли нималардан иборат?***

**Абдуғани БОБОЕВ,**
**Бухоро шаҳри**

— Ҳа, укангиз ўз исмини алмаштириш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда Оила кодексининг 70-моддасида батафсил фикр юритилган. Жумладан, бу моддада шундай қайд этилган: **"Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораси ота-онанинг биргаликдаги аризасига биноан бола ўн олти ёшга тўлганча бола манфаатларини эътиборга олиб, унинг исмини ўзгартиришига, шунингдек, унга берилган фамилияни ҳам отаси ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартиришга ҳақлидир"**.

Агар ота-она алоҳида яшаса ва бола билан бирга яшовчи ота (она) болага ўз фамилиясини беришни хоҳласа, васийлик ва ҳомийлик органи бу масалани боланинг манфаатларини ва она (ота)нинг фикрини инобатга олган ҳолда ҳал қилади. Ота ёки онанинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаганда, улар ота-она ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, муомалага лаёқатсиз деб топилганда, шунингдек, ота ёки она болага таъминот бериш ва уни тарбиялаш мажбуриятларини бажаришдан узрсиз сабабларга кўра, бўйин товлаган ҳолларда ота ёки онанинг фикрини ҳисобга олиш шарт эмас.

Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган ва оталик қонуний тартибда белгиланмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб, унинг фамилиясини онанинг мурожаат қилган давридаги фамилиясига алмаштириш учун рухсат беришга ҳақли.

Ўн ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

# ҚОНУНДА ИМТИЁЗ БЕЛГИЛАНГАН

***Мен бир неча йилдан буён босмахонада ишлайман. Айтишларича, бундай соғлиқ учун зарарли жойларда ишлайдиган ходимлар учун сут маҳсулотлари бериб турилар экан. Айтинг-чи, бугунги кунда ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадида шундай имтиёзлар мавжудми? Бу ҳақда қонунда нима дейилган?***

**Ҳалима ЖЎРАЕВА,**
**Тошкент шаҳри**

— Ҳа, киши соғлиғи учун зарарли деб ҳисобланган шароитларда меҳнат қиладиган ходимларга шундай имтиёзлар берилади. Бу ҳақда Меҳнат кодексининг 217-моддасида сўз юритилган. Ушбу моддага мувофиқ; "Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган меъёрлар бўйича;

- сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати;
- газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);
- махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланадилар.

Бундай ишларнинг рўйхати, бериладиган нарсаларнинг меъёри, таъминот тартиби ва шартлари жамоа келишувларида, жамоа шартномаларида, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишилган ҳолда белгиланади.

**Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди**

Qonun va ijro

# СУД НАЗОРАТИ САМАРАСИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Мисол учун Оҳангарон шаҳридаги «Сантехқуйма» акциядорлик жамиятини тугатиш бошқарувчиси қонунда белгиланган муддат давомида корхонани тугатиш ва давлат реестиридан чиқарилишини таъминламаганлиги учун лавозимидан четлаштирилиб, жиноят иши қўзғатилди. Айни пайтда корхонага янги бошқарувчи тайинланиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, корхонани зудлик билан қайта ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, банкротликка оид аризаларни қабул қилиш ва ишни кўришга тайёрлашнинг процессуал талабларини тўғри ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда аризада келтирилган асосларнинг холислиги, моддий ҳуқуқ талаблари каби бошқа муҳим жиҳатларга риоя қилиш лозим. Бу борада Олий хўжалик суди пленумининг 2004 йил 20 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг **«Банкротлик тўғрисида»ги қонунини амалга киритиш билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида»**ги қарорида белгиланган тушунтиришларга қатъий риоя қилиш ўзининг самарасини кўрсатмоқда.

Айниқса, ночор корхоналарни соғломлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар яхши натижа беряпти. Масалан, «Каолин» қўшма корхонасининг хориждан келтирилган ва замонавий ишлаб чиқариш воситаларига эга эканлиги, аммо бошқарувнинг нотўғри ташкил этилганлиги аниқланди. Хўжалик суди томонидан корхонани соғломлаштириш мақсадида ташқи бошқарув жорий этилди.

Тошкент вилоят Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси «Бўка бош пиллахонаси» ҳамда «Олмалиқ пўлатмонтаж» масъулияти чекланган жамиятларини банкрот деб топишни сўраб мурожаат қилган эди. Аммо мазкур корхоналар кредиторларнинг талабларини бажарганлиги, яъни тўлов қобилиятини тиклашга ҳаракат қилаётгани инобатга олиниб, бошқарманинг аризаси рад этилди. Мазкур жамиятларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун яна бир имконият яратилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**журналист**

Shartnoma qonunchiligi

***Ўзаро тенг шерикчилик асосига қурилган ҳамкорлик нафақат шерикларнинг ўзларига, балки мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳам самарали ҳисса қўшиши тайин. Аммо шерикчилик шартномаси қанчалик пухта тузилмасин, агар ундаги шартлар бажарилмаса, кўзланган мақсадга эришилмайди, ҳатто зарар кўрилиши ҳам мумкин. Шартнома шартларини ўз вақтида бажариш ўрнига баҳона қидириш билан вақт ўтказаётган айрим корхона раҳбарлари қарзни икки ҳисса қилиб тўлашаётгани ҳам сир эмас.***

# ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН ИККИ ҲИССА ТЎЛАЙДИ



Халқимизда "Бир кун йилни боқади", деган доно ҳикмат бор. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳикмат чигит экиш мавсумига айнан мос тушади. Чунки саноқли кунларда ерга қадаладиган уруғ кейинчалик ҳосил чўғини белгилайди. Техникаси шай турмаган деҳқон эса, қимматли вақтни бой беради.

Республика "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси Жиззах вилояти техника марказининг чигит экиш мосламаларини етказиб бериш тўғрисидаги таклифига асосан, "Ўзбекқишлоқмаш" очиқ турдаги акциядорлик жамияти билан 71-сонли шартнома имзоланган эди. Шартномада "Ўзбекқишлоқмаш" ОТАЖ Жиззах вилояти техника марказига жами 959.060.400 сўмлик 600 дона "СЧХ-4А-1" русумли чигит экиш агрегатларини етказиб бериши қайд этилган. Қишлоқ хўжалиги техникасини ўз вақтида етказиб бериш учун "Ўзбекқишлоқмаш" корхонаси бутловчи қисмларни сотиб олишга анча маблағ сарфлаган. Натижада март ойидаёқ 863.154.146 сўмлик техник жиҳозлар етказиб берилган.

Аммо Жиззах вилоят техника маркази раҳбарлари экиш мосламалари учун тўланадиган маблағнинг қолган 122.523.712 сўмини тўлашга келганда тихирлик йўлига ўтиб олишди. Натижада шартноманинг 3.1. банди бузилди. Бошқача айтганда, шартнома тузилган кундан бошлаб 30 банк куни ичида етказиб берилган мосламалар учун амалга оширилиши лозим бўлган тўлов бажарилмади.

"Ўзбекқишлоқмаш" ОТАЖнинг 2004-2005 йиллардаги ёзма талабномалари юзасидан Жиззах вилоят техника маркази раҳбарлари бирор-бир чора кўришни хаёлларига ҳам келтиришмади. Бу ҳам етмагандай, шартнома бўйича олинган чигит экиш агрегатларининг айрим эҳтиёт қисмлари сифатсиз ишлаб чиқарилгани тўғрисида Жиззах шаҳрида 2004 йил 15 апрел санаси билан тузилган далолатнома ўртага чиқди. Биз бу далолатнома сохта ёки ҳақиқий, деб ҳукм чиқармоқчи эмасмиз. Фақат бир нарсани эслатиб қўймоқчимиз, холос. Гап шундаки, 2004 йил 14 январда тузилган 71-шартноманинг 2.2. бандида шундай ёзилган: "Товарнинг сифати ва бутлиги мижоз томонидан омбордан олинган вақтда текширилади". Агар ишга холисона ёндашилганда мана шу талабдан келиб чиқилиши керак эди.

Жиззах вилояти техника маркази директори имзоси билан (2004 йил, 16 июн куни) "Ўзбекқишлоқмаш" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Т.Махаметов номига юборилган 38-талабномага жавоб хатида 165.482.212 сўм қарз тан олинган ва ишни хўжалик судига оширмаслик сўралиб, бир ой ичида қарзни тўлашга ваъда қилинган. Бироқ орадан ўтган роппа-роса бир йил давомида ҳам берилган ваъда бажарилмади.

Шундан кейин, бу масалани ўрганиб чиққан Тошкент шаҳар адлия бошқармаси 2005 йил 15 июнда "Ўзбекқишлоқмаш" очиқ акциядорлик жамияти учун Жиззах вилояти техника марказидан 122.523.712 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисида Жиззах вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. 2005 йил 26 июлда суд даъво аризасини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқарди. Шунингдек, 122.524 сўм давлат божи ва 2500 сўм почта харажатлари жавобгардан ундириладиган бўлди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: баъзи раҳбарнинг уқувсизлиги, ўз вазифасига масъулиятсизлиги оқибатида корхонанинг маблағи шамолга совурилиши адолатданми?! Раҳбарлик лавозимида ўтирган ҳар бир шахс "Ҳисобини билмаган икки ҳисса тўлайди", деган нақлни ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги керак.

**Зоҳиджон ҚЎЧҚОРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# ФАОЛИЯТ ҚОНИҚАРЛИ, АММО...

**Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиясининг қарорига мувофиқ, ўтган йили Хоразм вилоятидаги 648 та тадбиркорлик субъектларида қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Аксарият текширишларда қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилди. Ҳозир вилоятда 20 мингдан кўпроқ хўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтказилган.**

Юқоридаги текшириш натижаларига таяниб фикр юритилса, ана шу субъектларнинг барчасида қонунни у ёки бу даражада бузиш ҳолатлари мавжуд, деган хулоса келиб чиқиши табиий. Бунинг устига ҳамма айбни хўжалик юритувчи тадбиркорлар гарданига ағдараверишар ҳам мумкин. Бироқ Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилишида масалага бошқача баҳо берилди. Тадбирда сўзга чиққан мутасаддилар барча айбни тадбиркорлар зиммасига ағдариш инсофдан эмаслигини таъкидлашди. Тадбиркорлик ҳаракати қатнашчилари ўртасида қонунлар тарғиботи, тушунтириш ва таништириш тадбирлари суст ташкил этилаётгани, ўрта ва кичик бизнес соҳаси вакиллари билан амалий-ҳуқуқий алоқалар кўнгилдагидай эмаслиги ҳам муайян хатоларни келиб чиқишига сабаб бўлаётгани эътироф этилди.

Анжуман иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 5 октябрда қабул қилинган Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Урганч ва Хива туманлари ҳокимлари, вилоят солиқ ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари раҳбарларининг ҳисоботи ҳамда мазкур Фармонни тадбиркорлик ҳаракати қатнашчилари ва аҳоли ўртасида кенг тушунтириш, тарғиб қилиш борасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан ҳудудий комиссиянинг ахборотини тингладилар.

Кейинги йилларда вилоятда текширишларни сезиларли даражада қисқартиришга эришилди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этаяпти. Аммо вазифа шунинг ўзидангина иборат эмас. Асосий эътибор текширишларнинг сифати ва самарасига қаратилмоғи, бунда тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ солувчи ҳолатлар тўлиқ бартараф этилмоғи зарур. Бунинг учун эса текширувчилар, назоратчи-тафтишчиларнинг масъулияти янада оширилмоғи даркор.

Muhokama

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик Юртбошимиз Фармон ва қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳал қилувчи омиллардан саналади. Текширишлар сонини қисқартириш ва унинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган материалларни маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситалари саҳифаларида кўплаб учратиш мумкин. Лекин комиссия ва унинг аъзолари томонидан олиб борилаётган ишлар мақтовга арзирли эмас. Комиссия фаолияти оммавий минбарларда республикамизнинг бошқа минтақаларига қараганда анча суст ва саёз ёритилаяпти. Вилоятда комиссия фаолияти мавзусига деярли "қўл теккизмаётган" маҳаллий оммавий ахборот воситалари ҳам борлигига нима дейсиз? Бу масалада комиссиянинг ташаббускорлиги алоҳида аҳамиятига эга. Кун тартибига қўйилган долзарб масалаларнинг ижобий ечими наинки тадбиркорлик ҳаракати равнақи, балки мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий турмуши барқарорлигига ҳам самарали таъсир кўрсатади.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Bugunning gapi

**Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги улушини янада ошириш билан бирга, тадбиркорларнинг эркин фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни яратиб бериш истиқлол сиёсатининг асосий мақсадларидан биридир. Бу хусусда Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деб таъкидлаган эди: "Тадбиркорлар фаолиятига нохолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқларининг ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди.**

# ТАДБИРКОР МАНФААТИ

## У БУГУН ТЎЛА-ТЎКИС ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ТОПДИ

**Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар»**.

Ўтган йили Президентимиз тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритишларини таъминлайдиган олтита Фармонга имзо чекди. Албатта, бундай узоқни кўзлаб яратилган Фармон ва қарорларни қабул қилишда мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари, халқимизга хос бўлган меҳнатсеварлик ва ҳатто турмуш тарзимиз — барчаси инобатга олинган.

Тадбиркор тушунчаси, унинг фаолиятини эркинлаштириш ва тартибга солишга қаратилган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар тобора такомиллаштириб борилмоқда. Масалан, 1998 йил 24 декабрда тадбиркорлар билан улар ҳуқуқий муносабатга киришадиган давлат идораларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонун қабул қилинган эди. Мазкур қонун назорат идораларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашувини чеклаб, текширишларни ўтказиш асослари, даврийлиги ва муддатларини тартибга солди. Унда назорат идораларининг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунчилик бузилганини аниқласа, ваколатлари доирасида ва фақат муайян камчиликларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни кўриши мумкинлиги уқтирилган. Шунингдек, назорат идораларининг мансабдор шахслари, қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан қатъи назар, тадбиркорлик субъектларининг бошқа қонуний фаолиятига аралашиш ёки фаолиятини чеклаш учун бундан асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмаслиги белгиланган.

**"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонунда якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъекти ҳақидаги тушунчалар янги мазмун билан бойитилган. Ушбу қонунда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш қоидалари, уларнинг фаолият юритишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат томонидан берилган имтиёзлар ўз ифодасини топган.

Суд идораларидан юқоридаги сингари Фармон ҳамда қонунларнинг ишлашини таъминлаш, низоларни қонуний ҳал этиш борасида, шунингдек, мулкдорлар тоифаси, аввало, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳал қилувчи мавқени эгаллаши талаб этилади. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўришда Олий суд Пленумининг **"Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида"**ги 11-сонли, **"Жазоларни либераллаштириш тўғрисида"ги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги 4-сонли, **"Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуннининг нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги 12-сонли, Республика Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумининг **"Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллашнинг суд амалиёти тўғрисида"**ги 2-сонли қўшма қарорлари қабул қилинди.

Айрим қарорларда тадбиркорликка оид ишларни судда кўриш, жиноий ҳаракатларни тўғри малакалаш, етказилган зарар тўлиқ ёки қисман қопланганда жазо тайинлаш, мансабдор шахсларнинг ваколат доирасидаги процессуал ҳаракатлари, тадбиркорлик субъектлари билан назорат қилувчи идораларнинг мансабдор шахслари ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бузилиши юзасидан суднинг ўз муносабатини билдириши юзасидан амалий йўл-йўриқлар белгиланган.

Тадбиркорлик субъектларнинг эркин фаолият кўрсатишларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаётган қонун ва қонуности ҳужжатларини ҳаётга тўғри тадбиқ этиш мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига, халқ фаровонлигининг ошишига, айни пайтда, бу соҳадаги жиноятларнинг камайишига олиб келади.

**Маҳмуджон ТОЖИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Faoliyat

# АДОЛАТ ВА ХОЛИСЛИК МЕЗОНИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Адлия вазирлигида 2005 йил 4 январда рўйхатга олинган **"Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисида"**ги Низомнинг 9-бандига асосан талабгор қайта ташкил комиссиясига меҳнат дафтарчасининг асли ёки белгиланган (нотариал) тасдиқланган нусхасини тақдим этиши керак. Лекин бундай ҳужжатлар фақатгина нусха кўчирилган ҳолда қайта ташкил этиш комиссиясига тақдим қилинган. Комиссия эса талабгорнинг шахсини тасдиқловчи паспорт, техник паспортлар, маълумотини тасдиқловчи диплом нусхаларини нотариал ҳолда тасдиқланмаган бўлса-да, Низом талабларига зид равишда қабул қилган.

Юқоридаги сингари хато ва камчиликлар Кармана туманидаги "Ҳазора", "Зарафшон", Конимех туманидаги "Шўркул" ширкат хўжаликлари қайта ташкил этиш комиссиялари фаолиятида ҳам учрайди.

Вилоят адлия бошқармаси аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан юқорида қайд қилинган туман ҳокимлари номига қайта ташкил этиш комиссиялари фаолиятида мавжуд қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритди ва тақдимномаларда кўрсатиб ўтилган хато ва камчиликлар ўз вақтида бартараф қилинди. Айбдор мансабдор шахсларга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари кўрилди.

Юртимизда бугун ўта муҳим жараён — ерларни ҳақиқий эгасига бериш бўйича тендер танловлари ўтказилмоқда. Бу эзгу амалий ҳаракат эртага ўзининг юксак самарасини беради. Шунингдек, ҳар бир тендер танлови адолат ва холислик тамойилларига асосан ўтказилиши иқтисодий тараққиётимизнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

**Азамат ХОЛМЎМИНОВ,**
**Навоий вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

Huquqiy ma`rifat

# ХУСУСИЙ АЖРИМ

## У ҚАЧОН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?

***Бугун мамлакатимиз суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, айрим хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг боқимандалик кайфияти, масъулиятсизлиги ва пул маблағларини, банкдан олинган кредитларни беҳуда сарфлаши, улардан мақсадсиз фойдаланиши, шартнома мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида айрим корхона иқтисодий ночорлик ва банкротлик ҳолатига тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Албатта, бундай ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш зарур. Негаки, иқтисодиёт соҳасидаги қонунбузарлик ва жиноятлар юртимизда амалга оширилаётган islоҳотлар йўлида жиддий тўсиқ бўлиб, бозор иқтисодиётига хос бўлган хусусий мулк ва бошқа турдаги ҳуқуқий муносабатларни қарор топиши ҳамда ривожланишига монелик қилади.***

Шуни айтиш керакки, Хўжалик процессуал кодексининг 3-моддасига кўра, хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифаларига корхона, ташкилот муассаса ва фуқароларнинг иқтисодиёт соҳасидаги бузилган ёки низоли ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш масалалари ҳам киради. Ушбу кодекснинг 153-моддасига биноан эса, низони кўриш вақтида ташкилотлар, давлат идораси ва бошқа идоралар, мансабдор шахс ёки фуқароларнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда хўжалик судлари хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Шунингдек, хусусий ажрим тегишли ташкилотлар, давлат идораси ва бошқа идоралар, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларга юборилади. Улар эса бир ойлик муддат ичида хўжалик судига ажрим юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида хабар қилиши шарт. Агар бу жараёнда жиноят аломатлари аниқланса, жиноят иши қўзғатилади ҳамда етказилган зарар ундирилишини таъминлаш учун унга тегишли мол-мулкни хатлаб қўйилади.

Умуман олганда, хусусий ажримлар ҳуқуқий тарбия ва суд томонидан ҳуқуқбузарликнинг олдини олишнинг таъсирли воситаларидан бири ҳисобланиб, улар муайян иш юзасидан олиб борилаётган хўжалик низоси чегарасидан ташқари масалалар юзасидан чиқарилади. Хусусий ажримлар шундай процессуал восита саналадики, улар судлов идораларининг ҳуқуқбузарликка ва ғайриахлоқий хатти-ҳаракатларга, ташкилотлар ишидаги камчиликларга қарши курашиш имкониятларини маълум даражада кенгайтиради. Қонун хўжалик суди томонидан хусусий ажрим қачон чиқарилиши лозимлигини белгиламайди. Бироқ амалда улар суд мажлисининг охирида суднинг ҳал қилув қарори билан бир вақтда чиқарилади.

Шуни айтиш керакки, жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги хусусий ажримлар иш кўриш жараёнида аниқланган жиноят аломатлари асосида чиқарилади. Мисол учун, суд ҳужжатини ижро этмаслик туфайли жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги хусусий ажрим (Жиноят кодексининг 232-моддаси) суд ҳужжатларини ижро этиш вақтида аниқланган жиноят аломатлари юзасидан чиқарилиши мумкин. Зарар етказган мансабдор ёки бошқа шахс ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмай, у зарар етказилган пайтда юридик шахс билан меҳнат муносабатида бўлиб, унга зарар келтирса, хўжалик суди келтирилган зарарни айбдор шахслар томонидан қопланиши ҳақида хусусий ажрим чиқаради. Шунингдек, мулкий зарар Меҳнат кодексининг 202,205,208-моддаларида кўрсатилган миқдорда ундирилади.

Хўжалик ишларини кўриш жараёнида пул маблағлари ва бошқа мулкни мақсадсиз ишлатиш, тўлов интизомининг бузилиши, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхонани банкротлик ҳолатига олиб келиш фактларини аниқлаб, раҳбар ёки бошқа шахслар ҳаракати (ҳаракатсизлиги)да жиноят аломатлари бўлмаса, суд томонидан айбдор шахсларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақидаги хусусий ажрим, айбдор шахсларга нисбатан юқорида қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари аниқланса, хўжалик суди тегишли жавобгарликка тортиш ҳақида хусусий ажрим чиқаради.

Шу ўринда бир хўжалик ишига эътиборни қаратсак. Давлат акциядорлик ипотека "Замин банки"нинг Фарғона филиали судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар — Охунбобоев туманидаги "Ҳамжиҳатлик" хусусий фирмасидан 3.494.454 сўм ундиришни сўраган. Иш материалларига қараганда, даъвогар ва жавобгар ўртасида 36-сонли кредит шартномаси имзоланган. Шартномага асосан банк томонидан жавобгарга тикувчилик дастгоҳи ва хом ашё сотиб олиш учун йиллик 36 фоиз устама тўлаш шарти билан 10 ой муддатга 10.000.000 сўм кредит берилган. Кредит таъминоти сифатида жавобгарга тегишли бўлган ишлаб чиқариш дастгоҳлари ҳамда учинчи шахслар О.Ибрагимов ва И.Охуновга тегишли бўлган ВАЗ-2106, ГАЗ-310290 русумли автомашиналар гаровга қўйилган. Жавобгар томонидан кредитнинг 8.366.627 сўми қайтарилган. Шундан сўнг даъвогар қарз суммасини ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни сўраган. Банк бошқарувчиси К.Юнусалиев томонидан берилган пул маблағларини ўзлаштирилиши натижасида жавобгарга ва банкка жиддий зиён етган. Ушбу ҳолат юзасидан суднинг хусусий ажрими қабул қилиниб, К.Юнусалиевга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "г"-банди, 3-қисми "а"-банди, 205-моддаси 1-қисми, 2-қисми "а", "в"-бандлари билан жиноят иши қўзғатилган.

Умуман айтганда, кейинги пайтда Фарғона вилоят хўжалик суди томонидан 150 та хўжалик иши юзасидан аниқланган ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатилиб, терговга юборилди ва 100 дан ортиқ иш бўйича суднинг ҳукми эълон қилинди. Булардан кўзланган мақсад битта: айбдорларга қонунларимиз ҳар қандай шахсдан фақатгина ва фақат ҳалолликни талаб этишни англатишдир. Зеро, қонун ҳужжатларини бузиш жамият тараққиёти учун катта хавф туғдириб, фуқароларнинг қонунларимизга бўлган ҳурмат-эътиборини сусайтиради.

**Анваржон МАНСУРОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Huquqiy savodxonlik sari

# УЙ-ЖОЙГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ

Ҳозирги пайтда давлатимиз якка тартибда уй қуришни режалаштирган фуқароларга ер участкаларини ажратиш, ссуда ва кредитлар бериш йўли билан ҳар тарафлама кўмаклашаётир.

Фуқаролик кодексининг 210-моддасига асосан, белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қурилган янги уйга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юзага келади. Уй қурилиб, давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар, маҳаллий ҳокимият идораларининг рухсатисиз, бошқа шахсга берилиши мумкин эмас. Меросхўрларнинг даъвосига кўра, суд қурилиши тугалланмаган уйнинг ажратиб бериш мумкин бўлган қисмларини, кейинчалик мазкур шахслар томонидан қурилиши охирига етказилиш имконияти борлигидан келиб чиққан ҳолда, бўлиб беришга ҳақли. Агар қурилиши тугалланмаган уйни бўлиб беришнинг имконияти бўлмаса, суд мазкур шахсларнинг қурилиш жихозларига ҳамда уйнинг муайян қисмларига бўлган ҳуқуқни эътироф этиши мумкин.

Иморат қурган кишига оила аъзолари ёки қариндошларининг қуришда ёрдам бергани фактнинг ўзи уларнинг уйнинг бир қисмига эга бўлиш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришга асос бўла олмайди. Бундай даъво иморат қурувчи шахс билан оила аъзолари ёки қариндошлари ўртасида юзага келадиган умумий мулк тўғрисида келишув бўлган ҳамда улар айни шу мақсадда қурилишга ўз меҳнат ва маблағларини қўшган ҳоллардагина суд томонидан қаноатлантирилиши мумкин.

Никоҳ пайтида, яъни биргаликда яшашган вақтда эр-хотин томонидан қурилган ёки қонуний асосларда қўлга киритилган уй, кимнинг номига рўйхатдан ўтказилганидан қатъи назар, уларнинг биргаликдаги мулки ҳисобланади. Низо келиб чиққан тақдирда эр-хотиннинг умумий мулки бўлган уйнинг улардан ҳар бирига тегишли қисми Оила кодексининг 28-моддасига асосан белгиланади. Агар хотин (эр) уйдан ўз улуши учун товон пули олишга рози бўлса, эрга (хотинга) уларнинг умумий улуши мулк қилиб қолдирилиши мумкин. Уй умумий улушли мулк қилиб қолдирилган тақдирда, суд ўзининг ҳал қилув қарорида уйнинг эрга ва хотинга тегишли улушлари миқдорини кўрсатиши шарт.

Фуқаролик кодексининг 212-моддаси тўртинчи қисми талабига мувофиқ, белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида қурган иморатига нисбатан суд шахсга мулк ҳуқуқини эътироф этишга ҳақли. Мазкур кодекснинг 212-моддаси, бешинчи қисми талабига кўра, иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган ва ундан фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. 212-модданинг бешинчи қисмига мувофиқ, иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган ва ундан фойдаланаётган шахс билан ушбу ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс ўртасида низо юзага келганида ўзбошимчалик билан қурилган уйга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишга доир даъво судда кўрилиши лозим. Ушбу модданинг олтинчи қисмига биноан, агар ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмайдиган ёки фуқароларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига хавф туғдирмайдиган бўлса, суд томонидан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин.

**Х. ТОШПЎЛАТОВА,**
**Фарғона вилояти**



*Қор бағрида ухлар дарахтлар...*

Ajab savdolar

**Термиз шаҳридаги "Юлдуз-Шаҳноз" кичик корхонаси раҳбари Х.Жўраева қўшимча иш ўрни очиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида "Ғаллабанк"нинг вилоят бўлими ҳамда Сурхондарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида ўзаро шартнома тузиб, 5 миллион сўм миқдорида кредит сўради. Банкдан олинадиган кредитга талаб қилинадиган барча ҳужжатларни тез орада расмийлаштирди. Бир қарашда, ҳаммаси силлиқ кечаётгандек эди. Аммо...**




# "КАТТА" МУАММО

— Қўшимча иш ўрни ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни ўйлаб имтиёзли кредит олишга аҳд қилган эдим, — дейди Х.Жўраева — Дастлаб ишларим ўрнидан сал силжигандек туюлди. Бошқарма билан шартнома тузиб, барча зарур ҳужжатларни банкка топширдим. Мана энди ниҳоят ишларим юришади, деб умид қилгандим. Аммо...

Гап шундаки, тадбиркор 2004 йилнинг 3 декабр куни Сурхондарё вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасига келиб, уч йил муддатда қайтариш шартига билан 04/02-37-сонли шартнома тузиб, ўзи раҳбарлик қилаётган корхонага беш миллион сўмлик кредит ажратишга келишиб олган. Ҳужжатини қўлга киритган заҳоти АТ "Ғаллабанк"нинг вилоят бўлими мутасаддиларига учрашган. Банк ходимлари ҳам тадбиркорнинг келажакдаги орзулари-ю хайрли ниятларини маъқуллаб, яқин орада бу муаммони ҳал қилиб беришга ишонтиришган.

"Юлдуз-Шаҳноз" кичик корхонаси раҳбари банк ходимларининг ваъдасига ишониб, қишнинг қаҳратон кунларини ўтказди, баҳорни қаршилади, ниҳоят, 2005 йилнинг май ойигача банкка қатнади. Қараса, бу қуруқ ваъдалардан бирон-бир натижа чиқадиган эмас. Шундан сўнг муаммони ҳал этиш учун Республика Савдо-саноат Палатасининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасига ариза билан мурожаат этди.

Бошқарма ходимлари тадбиркорнинг аризасини муҳокама қилиб, атрофлича ўрганиб чиқишди. Аниқланишича, банк томонидан тадбиркорга ажратилган кредит маблағи асоссиз эмаслиги маълум бўлди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг 2005 йил 7 ноябрдаги 1839-сонли хатидаги мана бу ўринларга эътибор қилинг: "Республика Акциядорлик тижорат "Ғаллабанк" Сурхондарё вилоят минтақавий филиали бошқарувининг 2004 йил 27 сентябрдаги ва Бош бошқармага 30.11.2004 йилда етиб келган 473-сонли буюртмасига асосан банк мижози бўлган Термиз шаҳридаги "Юлдуз-Шаҳноз" кичик корхонасига ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бешта янги иш ўрни яратиш шарти билан 5 миллион сўм ресурс маблағини тасдиқлаш учун 03.12.2004 йилда 04/02-37-сонли ресурс шартнома ва қайтариш жадвали тузилиб банкка 2005 йил 1 декабр куни 2070-сонли хати юборилган. 14.12.2004 йилда аванс ҳисобидан 1345-сонли тўлов топшириқномаси билан 3 миллион сўм ресурс маблағи ўтказилган. Лекин бу ресурс шартнома вилоят "Ғаллабанк" бошқаруви томонидан тасдиқланиб қайтарилмади ҳамда ўтказилган аванс сумма тўлиқ 31.03.2005 йилда 3-сонли мемориал ордер билан Бош бошқармага қайтариб ўтказилиб берилди... Бош бошқарма бошлиғи в/б: М.Раимов имзо".

Тадбиркор халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу истакларини амалга оширолмай, кредит ортидан югуриб юрса-ю, банк унга ажратилган ва дастлабки аванс сифатида банк ҳисоб рақамига ўтказилган 3 миллион сўмлик маблағни асоссиз равишда тадбиркорга бермай, пулни орадан уч ой ўтгач, яна бош бошқармага қайтариб юборганини қандай изоҳлаш керак?...

Бугунги кунда тадбиркорларни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун талабидир. Шундай экан, тадбиркор йўлига қўйилган ҳар қандай сунъий тўсиқ учун мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, албатта, қонун олдида жавоб беришлари керак. Ўйлаймизки, биз юқорида қаламга олган муаммо ҳам тез кунда ўз ечимини топади.

**Искандар ПОЛВОНОВ,**
**Савдо-саноат Палатаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг бўлим бошлиғи**
**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**




### ЯНА ЯШИРИН ҚАМОҚХОНАЛАР ҲАҚИДА

Швейцария махсус хизмати ходимлари Европа мамлакатлари ҳудудида АҚШнинг яширин қамоқхоналари борлигини тасдиқловчи далилий ашё – факс хабарномасини қўлга киритганликлари ҳақида маълумот тарқатишди. Бу ҳақда Швейцарияда чоп этиладиган газеталардан бири хабар берган. Газета хабарига таяниб айтадиган бўлсак, ушбу факс хабарномаси Миср ташқи ишлар вазирлиги томонидан Лондондаги элчихонага жўнатилган. Унда 23 нафар Ироқ ва Афғонистон фуқароси АҚШ махсус хизмати ходимлари томонидан Руминиянинг Констанца шаҳри яқинидаги яширин қамоқхоналардан бирида сўроқ қилингани ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, газетада чоп этилган мақолада яна ана шундай қамоқхоналар Косова, Македония, Болгария ва Украина давлатлари ҳудудида ҳам мавжудлиги ҳақида айтилган.



### ҚОР ҚАЛИНЛИГИ 4 МЕТР!

Сўнгги маълумотларга қараганда, Японияннинг айрим ҳудудларида ёғаётган қорнинг қалинлиги 4 метргача етган. Натижада Япон денгизи соҳилларида яшовчи кўплаб фуқаролар ўз уйларидан чиқолмай қолишган. Автомобил ва темир йўллар, шунингдек, аэропортлар фаолияти ҳам вақтинча тўхтатиб қўйилган. Қор босиши натижасида бугунгача 68 нафар Япония фуқароси қурбон бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Япония об-ҳаво бюроси тарқатган маълумотларга кўра, яқин кунларда қорнинг тиниши кутилмаяпти.

### БИР КЕЧА-КУНДУЗДА 180 НАФАР ҚУРБОН

Ўтган ҳафтанинг 4 ва 5 январ кунлари Ироқда юз берган терактлар натижасида бегуноҳ қурбонлар сони яна 180 нафарга ошди, деб хабар беради бир қатор жаҳон оммавий ахборот воситалари. Маълумотларга қараганда, қурбон бўлганларнинг 119 нафари Ироқнинг Карбало ва Эр-Рамади шаҳарларида амалга оширилган терактлар натижасида ҳаётдан кўз юмган.

5 январ куни террорчи-камекадзе Карбало шаҳридаги Имом Ҳусайн масжиди ёнида ўзини портлатиб юборган. Натижада 63 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган ва 120 нафардан зиёдроқ бегуноҳ фуқаролар турли даражада тан жароҳати олган. Орадан 40 минут ўтиб, яна худди шундай портлаш Эр-Рамади шаҳрида ҳам содир этилган. Иккинчи портлаш оқибатида 56 нафар одам ҳаётдан кўз юмган ва 60 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган.

Шунингдек, жангарилар билан бўлиб ўтган Карбало шаҳрининг шарқий сарҳадларидаги тўқнашув натижасида ҳам 5 нафар АҚШ ҳарбийлари ҳаётдан кўз юмган. Уч нафар Ироқ полицияси вакиллари эса Боғдод шаҳридаги терактлар қурбони бўлишган бўлса, яна уч нафари жангарилар томонидан отиб ўлдирилган.

4 январ кунги терактлар натижасида эса 53 нафар бегуноҳ фуқаро қурбон бўлган ва 40 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳатлари олишган.

### ЁНҒИННИ ЎЧИРИБ БЎЛМАЯПТИ

Ўтган якшанба АҚШнинг Колорадо ва Арканзас штати аҳолиси учун жуда оғир кечди. Юзлаб фуқаролар кутилмаганда ўрмонда пайдо бўлган кучли ёнғин натижасида уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлишди. ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, ёнғин Колорадо ва Арканзас штатларига қўшни жойлашган Оклахома, Техас ва Нью-Мексика штатлари аҳолисига ҳам жиддий таҳдид солмоқда. Чунки ўт ўчирувчилар ва уларга кўмакка келган кўнгиллилар икки ҳафтадан буён тилсиз ёвга қарши курашаётганларига қарамасдан, ёнғин пасаймаяпти.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Колорадо штати ҳудудида жойлашган бешта кўпқаватли аҳоли яшаш жойлари ва икки минг гектар ер майдони ўт ичида қолган. Шунингдек, Арканзас штатида ҳам минг гектардан ошиқ майдонни ёнғин қоплаб олган. Техас, Оклахома ва Нью-Мексика штатларидаги ёнғин натижасида эса 500 та турар жой биноси ёниб кетган ва 5 нафар фуқаро ёнғин қурбонига айланган.

### ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ПАРРАНДА ГРИППИ!

Куни кеча Туркиянинг "CNN-Turk" телеканали айнан мана шундай хабар тарқатди. Маълумотларга қараганда, мамлакатнинг –шимоли-шарқий ҳудудида жойлашган учта қишлоқда парранда гриппи билан хасталанганлар аниқланган.



Туркия қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тарқатилган хабарларга таяниб айтадиган бўлсак, бугунгача мамлакатнинг 12 та аҳоли яшайдиган ҳудудларида парранда гриппи тарқалгани аниқланган. Туркия соғлиқни сақлаш вазирлиги тарқатган маълумотларга кўра, бугунгача ушбу касалликка, чалинган 9 нафар киши рўйхатга олинган. Парранда гриппига чалинганларнинг 6 нафари Ван шаҳрида, уч нафари эса пойтахт Анқара шаҳрида яшайди. Энг афсусланарли томони шундаки, бу касалликка чалинганларнинг асосий қисмини болалар ва ўсмирлар ташкил қилади.

Лекин бугунгача Ван шаҳрида жойлашган шифохоналарга 38 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса, Истамбул шаҳри шифохоналарига 50 нафардан ошиқ фуқаро ўзларини парранда гриппи билан хасталанган бўлишини айтиб, мурожаат қилган. Айни пайтда бу фуқаролар жиддий тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

**Равшан МЎМИНОВ**
**тайёрлади**

Qonun ko`magi

***Ҳуқуқшунослар "қонунни билган қоқилмайди", деган иборани кўп ишлатишади. Дарҳақиқат, қонунни билган фуқарогина ҳамиша ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олади. Бир сўз билан айтганда, халқимиз барпо этаётган ҳуқуқий-демократик давлатнинг ҳақиқий аъзосига айланади.***

# ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ

Маълумки, кунда бўлмаса ҳам кун ора ҳар биримиз ўзимиз ёки оиламизнинг эҳтиёжи учун нимадир харид қиламиз. Ана шу харид қилиш жараёнида истеъмолчига айланамиз. Лекин **"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"** қонун борлигини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз. Ваҳоланки, ушбу қонун ҳужжати сиз-у бизнинг ҳақиқий ҳимоячимиздир. Биз қуйида ҳикоя қиладиган воқеалар ҳам фикримизнинг исботи бўла олади, деб ўйлаймиз.

Тошкентлик В.Акрамова "Нексия" русумли автоуловини суғурта қилдирган эди. Тасодиф туфайли суғурта қилинган машинада йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлди. Табиийки, машина таъмирталаб бўлиб қолди. Ана шунда В. Акрамова "яхшиямки, ўз вақтида суғурталатган эканман. Энди бемалол суғурта агентлигидан кўмак сўрайман", деб ўйлади. Шу ниятда суғурта идорасига мурожаат қилди.

Буни қарангки, суғуртачилар унинг мурожаатига эътибор ҳам беришмади. Аниқроғи, ўзларининг шартномада кўрсатилган вазифаларини бажармаслик учун турли-туман баҳоналар тўқий бошлашди. Улар келишилган суғурта пулини тўламаслик учун транспорт ҳодисаси содир бўлганида машинани В.Акрамованинг турмуш ўртоғи бошқарганини рўкач қилишди.

Шундан сўнг В.Акрамова Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига ариза берди.

Бошқарма ўз навбатида истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида "Ўзбекинвест" агентлигига расмий хат билан мурожаат қилди. Афсуски, бундан ҳам фойда чиқмади.

Бошқарма томонидан Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилгач адолат қарор топди. Чунки суғурта шартномасида ҳимоя қилинадиган объект автоулов эди. Унга шикаст етса, шартномага кўра, уни бартараф этишни суғурта агентлиги зиммасига олиши лозим. Суд қарорига кўра, суғурта агентлиги истеъмолчига 948 минг сўм тўлаб берди.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

